


X. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Хизматлар соҳасида 61,3 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,9 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Хизматлар соҳасида барча фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоизда (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор
хизматларнинг ҳажми**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	65 308,8	117,2	100,0
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	5 913,0	106,0	9,1
молиявий хизматлар	19 004,8	151,3	29,1
транспорт хизматлари	7 649,2	106,8	11,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	4 610,0	108,4	7,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	2 602,9	105,1	4,0
савдо хизматлари	15 300,9	108,2	23,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2 810,8	104,6	4,3
таълим соҳасидаги хизматлар	2 871,3	104,7	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1 260,1	118,5	1,9
ижара хизматлари	1 322,3	107,4	2,0
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	362,2	123,6	0,6
шахсий хизматлар	767,7	112,2	1,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	2 054,2	105,1	3,1
бошқа хизматлар	3 389,4	101,7	5,2

Хизматлар таркибида энг катта улушни молиявий хизматлар (29,1 %), савдо хизматлари (23,4 %), транспорт хизматлари (11,7 %) ва алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (9,1 %) ташкил этади. Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (0,6 %) ҳамда шахсий хизматлар (1,2 %) эгаллади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, фоизда (2019 йил январь–декабрь ойлари учун)



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 23,4 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида улгуржи савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади – 47,8 % .




2019 йил январь-декабрь ойлари туманлар кесимида савдо хизматларнинг ҳажми

	Жами		
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан, %</i>	<i>Савдо хизматлари ҳажсимида туманларнинг улуши, %</i>
Тошкент шахри	15 300,9	108,2	100,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	1 179,9	103,9	7,7
Мирзо Улувбек	1 386,9	96,9	9,1
Миробод	1 177,3	106,1	7,7
Олмазор	1 223,4	123,5	8,0
Сергели	1 170,8	120,2	7,7
Учтепа	1 359,6	100,0	8,9
Чилонзор	2 544,6	119,0	16,6
Шайхонтохур	1 658,7	105,5	10,8
Юнусобод	1 251,3	102,8	8,2
Яккасарой	1 272,9	106,5	8,3
Яшнобод	974,4	110,4	6,4
Тумандан ташқари	101,1	79,3	0,6

Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Олмазор (123,5 %), Чилонзор (123,4 %), Сергели (120,3 %), Яшнобод (110,4 %) ва Яккасарой (106,5 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Мирзо Улуғбек (96,9 %), Учтепа (100,0 %), ва Юнусобод (102,8 %) туманларида қайд этилди.


**Савдо хизматларнинг умумий ҳажмида
туманларнинг улуси, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)**



Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган Чилонзор (16,6 %), Шайхонтохур (10,8 %), Мирзо Улуғбек (9,1 %), Учтепа (8,9 %) ва Яккасарой (8,3 %) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улушга Яшнобод (6,4 %), Сергели (7,7 %), Миробод (7,7 %), ва Бектемир (7,7 %) туманларида қайд этилди.

Туманлар бўйича савдо хизматларнинг ҳажми, млрд. сўмда
(2019 йил январ—декабрь ойлари учун)



Туманлар ўртасида савдо хизматлари бўйича юқори ҳажмга эга бўлган Чилонзор (2544,6 млрд. сўм), Шайхонтохур (1658,7 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (1386,9 млрд. сўм), Учтепа (1359,6 млрд. сўм) ва Яккасарой (1272,9 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ҳажмга Яшнобод (974,4 млрд. сўм), Сергели (1170,8 млрд. сўм), Миробод (1177,3 млрд. сўм) ва Бектемир (1179,9 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

**Транспорт хизматларининг таркиби, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)**



Хизматлар таркибида транспорт хизматлари – 11,7 % улуш билан етакчилар қаторини эгаллайди. Юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоатларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 60,3 % билан устунликка эга.


Туманлар кесимида транспорт хизматларнинг ҳажми

	Жами		
	млрд. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан, %	Транспорт хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %
Тошкент шаҳри	7 649,2	106,8	100
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	266,1	118,9	3,5
Мирзо Улугбек	732,9	121,1	9,6
Миробод	1 108,8	100,7	14,5
Олмазор	465,6	104,4	6,1
Сергели	1 779,3	104,2	23,2
Учтепа	484,4	105,9	6,3
Чилонзор	573,1	113,6	7,5
Шайхонтохур	625,9	105,8	8,2
Юнусобод	690,0	103,5	9,0
Яккасарой	302,7	105,2	4,0
Яшнобод	620,5	108,6	8,1

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Мирзо Улугбек (121,1 %), Бектемир (118,9 %), Чилонзор (113,6 %), Яшнобод (108,6 %), Учтепа (105,9 %) ва Шайхонтохур(105,8 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Миробод (100,7 %), Юнусобод (103,5 %), Сергели (104,2 %) ва Олмазор (104,4 %) туманларида қайд этилди.

**Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида
туманларнинг улуши, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)**




Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича юқори улуш Сергели (23,3 %), Миробод (14,5 %), Мирзо Улугбек (9,6 %), Юнусобод (9,0 %) Шайхонтохур (8,2 %) ва туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Учтепа (6,3 %), Олмазор (6,1 %), Яккасарой (3,9 %) ва Бектемир (3,5 %), туманларида қайд этилди.

**Туманлар кесимида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларнинг ҳажми**

	<i>Жами</i>		
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан, %</i>	<i>Алоқа ва ахборотлаштириши хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %</i>
Тошкент шаҳри	5 913,0	106,0	100,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	6,7	170,0	0,1
Мирзо Улугбек	387,8	110,4	6,6
Миробод	1 172,8	96,6	19,8
Олмазор	85,1	112,4	1,5
Сергели	16,3	113,3	0,3
Учтепа	79,0	125,8	1,3
Чилонзор	296,9	111,7	5,0
Шайхонтохур	361,8	103,0	6,1
Юнусобод	2 688,8	110,1	45,5
Яккасарой	516,4	98,1	8,7
Яшнобод	301,4	110,5	5,1

**Тошкент шаҳрида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)**




Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2019 йил январь–декабрь ойларида Тошкент шаҳри бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 5913,0 млрд. сўмга тенг бўлди. 2018 йил январь–декабрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши суръати 106,0 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (65,2 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.к.) хиссасига тўғри келади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)



■ Телекоммуникация хизмати ■ АКТ соҳасидаги бошқа хизматлар


Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишининг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Бектемир (170,1 %), Учтепа (125,8 %), Сергели (113,3 %), Олмазор (112,4 %) ва Чилонзор (111,7 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Миробод (96,7 %), Яккасарой (98,1 %) ва Шайхонтоҳур (103,0 %) туманларида қайд этилди.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг умумий ҳажмида
туманларнинг улуши, фоизда
(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)**




Туманлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича юқори улуш Юнусобод (45,5 %), Миробод (19,8 %), Яккасарой (8,7 %), Мирзо Улугбек (6,6 %) ва Шайхонтоҳур (6,1 %) туманларида қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Бектемир (0,1 %), Сергели (0,3 %), Учтепа (1,3 %) ва Олмазор (1,5 %) туманларида қайд этилди.

Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2019 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 19 004,8 млрд. сўмга тенг бўлди, ўсиш 51,3 % ни ташкил этди.

**Ташкент шаҳрида ўтган йилнинг мос даврларига нисбатан молиявий
хизматларнинг ўсиш суръатлари, фоизда**
(2019 йил январь-декабрь ойлари учун)



Молиявий хизматларнинг таркиби, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб ракамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (91,4 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 4,7 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 3,9 % ни ташкил этди.

**Худудлар кесимида молиявий
хизматларнинг ҳажми**

	Жами		
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-декабрга нисбатан, %</i>	<i>Молиявий хизматлар ҳажмида туманларнинг улуши, %</i>
Тошкент шаҳри	19 004,8	151,3	100,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	4,7	105,5	0,1
Мирзо Улугбек	1 418,8	149,2	7,5
Миробод	4 999,3	145,2	26,3
Олмазор	13,2	108,9	0,1
Сергели	20,1	101,0	0,1
Учтепа	197,7	169,9	1,0
Чилонзор	1 522,4	182,2	8,0
Шайхонтохур	2 509,0	198,3	13,2
Юнусобод	4 012,3	136,3	21,1
Яккасарой	204,7	118,7	1,1
Яшнобод	3 838,9	148,0	20,2
Тумандан ташқари	263,7	77,8	1,3


Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар

2018 йил январь–декабрь ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларининг ўсиш суръати 5,1 % га ўсди, ҳажми эса 495,8 млрд. сўмга ошди ва 2 602,9 млрд. сўмга етди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмида озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича хизматлар улуши 71,2 % билан устунлик қиласи. Яшаш бўйича хизматлар улуши 28,8 % ни ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг таркиби

(2019 йил январь–декабрь ойларида, %)




Яшаш ва овқатланиш хизматлари бўйича энг катта ҳажм Юнусобод туманида 749,3 млрд. сўм қайд этилди. 2018 йил январь–декабрь ойларига нисбатан 221,2 млрд. сўмга ўсиш кузатилди. Энг кичик ҳажм эса Бектемир туманида кузатилди – 22,2 млрд. сўм

**Туманлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор
хизматларнинг ҳажми**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан, %	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	минг. сўм	2018 йил январь- декабрга нисбатан, %
Тошкент шаҳри	65 308,8	117,2	100,0	25 789,3	116,5
<i>туманлар:</i>					
Бектемир	1 712,3	108,7	2,6	50 659,8	106,8
Мирзо Улугбек	6 168,4	113,6	9,4	22 661,4	114,9
Миробод	10 575,1	119,0	16,2	77 021,5	119,6
Олмазор	3 569,6	117,1	5,5	9 882,6	116,0
Сергели	3 760,6	108,2	5,8	20 196,3	104,8
Учтепа	3 002,4	106,6	4,6	11 161,5	106,2
Чилонзор	6 677,9	125,1	10,2	27 256,5	122,7
Шайхонтохур	7 251,1	127,8	11,1	21 415,1	121,6
Юнусобод	11 572,8	115,1	17,7	34 649,1	109,7
Яккасарой	3 966,1	102,5	6,1	33 300,5	103,6
Яшнобод	6 687,5	127,8	10,2	28 337,0	122,4
Тумандан ташқари	365,0	104,0	0,6	-	-


**Тошкент шаҳри бўйича хизматларнинг умумий
ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда
(2019 йил январь–декабрь ойлари учун)**



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Олмазор (5,5 %), Учтепа (4,6 %) ва Бектемир (2,6 %) туманлари эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Миробод туманида – 77,0 млн. сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,6 % ни ташкил этди.

**Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати**
(2019 йил январь—декабрь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Олмазор (9,9 млн. сўм), Учтепа (11,2 млн. сўм), Сергели (21,4 млн. сўм) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида юқори ўсиш суръатлари Чилонзор (122,7 %), Яшнобод (122,4 %), Шайхонтоҳур (121,6 %) ва Мирбод (119,6 %) туманларида кузатилди.

Туманлар ўртасида паст ўсиш суръатлари Яккасарой (103,6 %), Сергели (104,8 %), Учтепа (106,2 %) ва Бектемир (106,8 %) туманларида кузатилди.